

# **ТАЛОНЧИЛИК ЖИНОЯТИ БҮЙИЧА ТЕРГОВГА ҚАДАР ТЕКШИРУВ ЎТКАЗИШ ВА ЖИНОЯТ ИШИНИ ҚЎЗҒАТИШ ХУСУСИЯТЛАРИ**

**Мавлянова Муштарибегим Рахимжон қизи  
ИИВ Академияси З ўқув курси 317-гурух курсанти**

Барчамизга аёнки, мамлакатимиз мустақил тараққиётининг дастлабки босқичида, иқтисодиётдаги марказлаштирилган маъмурий-буйруқбозлиқ тизимидан воз кечиб, барча мулк шакллари тенг бўлган ва эркин муносабатларга асосланган бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтишни белгилаб олди ҳамда хусусий мулк дахлизлигига алоҳида эътибор қаратди. Президентимиз Ш.М.Мирзиёев таъбири билан айтганда, “Энг муҳим вазифамиз – мамлакатимизда тинчлик ва фаровонликни мустаҳкамлаш, одамларни, ҳалқимизни ҳаётдан рози қилишдан иборат. Бунинг учун эл-юртимиз аввало биз – раҳбарларнинг фаолиятидан рози бўлиши керак. Бунинг учун ҳар бир раҳбар ўз аравасини ўзи тортиши, ўз соҳасидаги ишларнинг аҳволи учун ўзи шахсан жавоб берishi керак. Шундан кейин жамиятимизда ўзгариш бўлади, ривожланиш бўлади” [1].

Мазкур жиноят бўйича терговга қадар текширув ўтказиш кўрилаётган жиноят таркибини ташкил қилувчи қўлмишлар ҳақида дастлабки ахборотлар олинган вақтдан бошланади ва жиноят ишини қўзғатиш ҳақидаги процессуал қарорни қабул қилиш вақтига қадар давом этади. Ушбу давр мабойнида жиноят ишини қўзғатиш учун асос бўлиши мумкин бўлган Жиноят кодексида ушбу жиноят таркибини ташкил қилувчи жиноятнинг объектив ва субъектив белгиларини аниқлашга қаратилган тергов харакатиларини ўтказиш керак. Хусусан, талончилик жинояти бўйича терговчи, жиноят иши қўзғатиш ҳақида қарор қабул қиласи экан, юз берган тергов вазияти ва бошланғич маълумотларни баҳолайди ва уларга асосан тергов тусмолларини ишлаб чиқади ва тергов режасини тузади.

Жиноят кодексининг 166-моддаси бўйича жиноят ишини қўзғатиш учун Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 322-моддасида кўрсатилган барча ҳолатлар асос бўлиши мумкин. Фақатгина тегишли ҳукуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари учун мазкур асослар, улар томонидан нечоғлик сифатли текшириб олишларига боғлик бўлади. Тахлил қилинаётган жиноятга оид бўлган жиноят ишларини ўрганиш шундан далолат берадики, бу турдаги жиноятларнинг кўп кисми жабрланувчи томонидан берилган ариза, тиббий муассасалар томонидан келиб тушган ҳабарлар ва ҳукуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари маълумотлари асосида қўзғатилади. Масалан 2021 йилнинг ҳисботларида кўрсатилишича жабрланувчилар келиб тушган ариза асосида қўзғатилган жиноят ишларининг 38,5 фоизини ташкил этган бўлса, соғлиқни сақлаш органлари томонидан берилган ҳабарлар 29 фоизни қолган ҳолатда эса ҳукуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари томонидан аниқлан ҳолатлар асосида қўзғатилган [2]. Шу билан бирга кўрилаётган жиноят аксарият ҳолларда фуқароларнинг аризаси асосида ҳам қўзғатилади.

Бундан кўриниб турибдики, талончилик жинояти кўп ҳолатларда ушбу жиноятнинг содир этилганлигини кўрсатувчи маълумотлар ва изларни суриштирув органи, терговчи, прокурор ёки суднинг бевосита ўзи иш фаолияти жараёнида аниқлайди.

Одатда, дарҳол жиноят ишини қўзғатиш учун етарли белгилар мавжуд бўлган жиноятлар тўғрисидаги ҳабарлардан фарқли равишда мазкур тоифадаги жиноятлар тўғрисидаги ҳабарлар умумий қоида бўйича синчиклаб таҳили қилиш ва баҳолашни талаб этади.

Бундай ҳолатларда жиноят ишини қўзғатишдан олдин, кўпинча дастлабки келиб тушган ариза ва ҳабарларни текшириш, унда баён этилган далиларнинг нақадар аниқ эканига ишонч ҳосил қилишга тўғри келади.

Терговчига келиб тушган мазкур жиноятга оид бўлган ариза ва ҳабарлар ёки материалларнинг кўрсатиб ўтилган ўзига хослиги мазкур жиноятнинг ўзига хос бўлган хусусиятлари билан боғлиқ. Улар қарийиб доим анча яширин, бегона шахслар ва яққол кўриниб турган изларсиз содир этилади. Шунинг учун терговчи ҳодисанинг барча тафсилотларини жабрланувчи билан сухбатда олдиндан аниқлаштириши шарт.

Айна пайтда ушбу жиноят, далилларнинг ўрнини тўлдириб бўлмайдиган йўқотилиш хавфи туфайли уни фош этишни кечикириш мумкин эмас ва шу сабабли жиноят ишини қўзғатишда сусткашликка йўл қўйиб бўлмайди.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 329-моддасига асосан жиноятга оид аризалар, хабарлар ва бошқа маълумотлар рўйхатга олиниши ва дарҳол, жиноят ишини қўзғатиш учун сабаб қонунийлигини ва асослар етарли эканлигини бевосита ёхуд суриштирув органлари ёрдамида текшириш зарурати бўлган тақдирда эса, ўн суткадан кечиктирмасдан ҳал қилиниши лозим.

Ушбу муддат жиноятга оид аризалар, хабарлар ва бошқа маълумотлар олинган пайтдан бошлаб ҳамда то ишни қўзғатиш ёки қўзғатишни рад қилиш тўғрисида қарор чиқарилгунинг қадар ёхуд терговга қадар текширув материаллари ЖПКнинг 587-моддасига мувофиқ прокурорга юборилгунинг қадар бўлган вақтни ўз ичига олади.

ЖПК 587-моддаси биринчи қисмида қўрсатилган муддат ичидаги терговга қадар текшируv ўтказилиб, унинг давомида қўшимча ҳужжатлар, тушунтиришлар талаб қилиб олиш, шунингдек шахсни ушлаб туриш, ходиса содир бўлган жойни қўздан кечириш ва экспертиза ўтказиш мумкин.

Терговга қадар текшируv вақтида бошқа тергов ҳаракатларини ўтказиш ман қилинади. Бинобарин, талончилик жинояти тўғрисидаги хабар ёки ариза юзасидан жиноят ишини қўзғатишга қадар тергов ҳаракатларини: гумон қилинувчи шахсни ушлаш, шахсий тинтувлар, гувоҳлик беришларини ўтказиш тўғрисидаги тавсиялар қонунга хилоф ва амалиётда қўлланилиши мумкин эмас.

Алоҳида ҳолларда, терговга қадар текшируv муддати қуйидаги ҳолатлардан бири мавжуд бўлган тақдирда, суриштируvчи ёки терговчининг асослантирилган қарорига кўра прокурор томонидан бир ойгача узайтирилиши мумкин:

- 1) ўтказиш учун қўп вақт талаб қиласидаги экспертиза, хизмат текшируvи, ҳужжатли тафтиш ёки бошқа текшируv тайинланган бўлса;
- 2) олис жойларда бўлган ёки чакиравга биноан ҳозир бўлишдан бўйин товлаётган шахслардан тушунтиришлар талаб қилиб олиш зарур бўлса;
- 3) янги ҳолатлар аниқланиб, уларни қўшимча тарзда текширмасдан туриб қарор қабул қилишнинг имкони бўлмаса.

Талончилик жинояти бўйича жиноят ишини қўзғатиш масаласини ҳал этишда иложи борича тезкорлик талаб этилади. Жиноят ишини қўзғатиш масаласини ҳал қилишни чўзиш нохуш оқибатларга олиб келиши мумкин, чунки жиноят содир этилган вазият ва уни содир этган шахслар ҳақидаги маълумотларни олиш имконияти қўлдан бой берилади, кечикириб бўлмас тергов ҳаракатларини ўтказиш самарадорлиги, жиноят содир этган шахсни иззиқ изларида қўлга олиш имконияти камаяди, жиноят содир этган шахс яширинишга, жабрланувчига тазийк ўтказишга ҳаракат қилиши ва бошқа салбий оқибатларга олиб келиши мумкин.

Тергов амалиётининг қўрсатишича, бевосита жиноят содир этилганидан сўнг жабрланувчилар ҳам, гувоҳлар ҳам терговга ёрдам беришга ҳаракат қиласидилар ва жиноят содир этилган ҳолат ҳақида барча маълумотларни батафсил гапириб берадилар. Маълум вақт ўтгандан сўнг эса жабрланувчи жиноят содир этган шахслар томонидан ўч олишларидан қўркиб ёки терговчининг суст ёхуд кам самаралди ҳаракатларидан норози бўлиб, айрим фактларни бузиб, жиноятчиларнинг айбларини камайтириб қўрсата бошглайдилар, терговчининг олдига истар-истамас келадилар ёки умуман келмайдилар.

Жиноят-процессуал кодексининг 322-моддасида назарда тутилган сабаб ва асослар бўлган тақдирда, терговчи жиноят ишини қўзғатиш тўғрисида қарор чиқаради. Қарорда ишни қўзғатишнинг сабаб ва асослари, шунингдек Жиноят кодексининг талончилик учун жавобгарликни назарда тутувчи моддаси, қисмлари кўрастади ва ишни ўз юритувчига олиш ҳақидаги муносабатини кўрсатади.

Юқоридагилар билан бирга таъкидлаш жоизки талончилик фактлари бошқа манбалардан, масалан, қўшнилар, дўстлар, иш бўйича хизматдошлар ва шу каби жиноят ҳақида билган шахсларнинг хабарларидан маълум бўлган жиноятни фош қилиш қийин кечади. Бундай ҳолатларда хабарларни олдиндан текшириш, зарур бўлганда суриштируv органлари ходимларини текширишга жалб қилиш, уларнинг тезкор-қидируv имкониятларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлади. Шуни назарда тутиш зарурки, умуман, дастлабки текшируv жараёнида жиноят таркибининг барча аломатларини аниқлашга уриниш тўғри бўлмайди, шу боис текшируv ушбу мақсаддан келиб чиқмаслиги лозим.

Дастлабки текширув тактик нүктаи назардан мақсадга мувофиқ бўлмаслиги ҳам мумкин, уни ўтказиш фақат тергов муваффақиятига тўсқинлик қилиши, ушбу жиноятни содир этган шахсни сергаклаштириши мумкин ва натижада жиноят содир қилувчилар томонидан жиноят изларининг йўқотилишига, айбни фош қилувчи ҳолатларнинг яширилишига, мухим гувохларга таъсир кўрсатилиши ва бошқа хавфсизлик чораларининг кўрилишига олиб келади.

**Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иктисодий ривожлантиришнинг асосий якунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг мухим устувор йўналишларига бағишлиланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маъruzasi.
2. Ўзбекистон Республикаси ИИВ Ахборот маркази 2021 йил ҳисоботлари.
3. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 10 август, Суд-тергов фаолиятида шахснинг хуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида Фармони.
4. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси.